***Газлаштириш тармоғини муболағасиз халқ хўжалигида энг кенг тарқалган соҳалардан бири дейиш мумкин. Қайси шаҳар ёки қишлоққа борманг, бу борадаги ишларга дуч келасиз. Ҳар бир хонадон, ҳар бир корхонани газ билан таъминлашни кучайтириш, янги газ қувурларини ўтказиш, айниқса қишлоқ жойларни газлаштириш бизнинг олдимизда турган муҳим вазифалардандир.***

*1997 йил — Инсон манфаатлари йили*

# ИШЧАНЛИК МУҲИТИ БЎЛСА...

Мен аввало ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу йил 4 миллиард м3 кўп табиий газ, шу жумладан, саноат ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига 3 миллиард куб метрдан кўпроқ, аҳолига 1 миллиард куб метрдан зиёд сотилди. Шунингдек, 2,5 минг тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Аҳолига суюлтирилган газ сотиш режасини доимо ошириб бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Меҳнаткашларга 330 миллион сўмликдан кўп пуллик хизмат кўрсатилди.

1997 йилда режадаги 6000 ўрнига 6993 хонадон газлаштирилди. Йил охиригача 15 мингдан кўп хонадонда зангори олов ёқилишига эришмоқчимиз. Уларнинг 90 фоизи қишлоқ жойларда рўй беради. Шунингдек, мазкур йилда 130 километрдан кўп янги газ қувурларини тортиш режалаштирилган.

Албатта, муваффақиятлар ўзимиз билан бирга. Мен олдимизда турган муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Жамиятимиз олдида турган муҳим масалалардан бири газдан тежаб-тергаб фойдаланиш муаммосидир. Республикамиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг сессиясида шундай деган эдилар: «Ишлаб чиқариш учун кетаётган харажатлар, шу жумладан хом ашё ва ёқилғи нархи кўпайиб кетди, деймиз. Тўғри, лекин бир мисол келтирмоқчиман. Масалан, муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришда АҚШ саноатида кетган харажатларни солиштирсак, ёқилғи ва электр энергияси Россияда 3 баробар, Ўзбекистонда эса 3,5 баробар кўп сарф қилинишини кўрамиз»..

Бу заминдор гапнинг мазмуни жуда чуқур. Мен бу жумлаларни мутахассис сифатида шарҳлайдиган бўлсам, қуйидаги фикрларни айтишим жоиз, деб ўйлайман.

Олимларнинг маълумотларига қараганда, ҳозир Ўзбекистонда ҳар йили тежамсизлик туфайли 15—20 миллиард куб метр газ бекорга ёниб кетмоқда.

Республикамиз мустақиллик билан ривожланаётган, бозор иқтисодиёти муносабатлари яхши шаклланаётган бир шароитда Ўзбекистон ёнилғи — энергетика мажмуи давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлайдиган муҳим омил бўлиб, у катта ечимларни ҳал қилишни талаб этади.

Тошкент вилоятида 9 минг километрдан кўпроқ газ қувурлари, 430 мингдан зиёд хонадон, 6767 маиший хизмат ва 387 та саноат корхоналари бўлиб, уларда газдан тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари кўриб борилмоқда. Албатта, газнинг тежамли ишлатилиши борасида олиб борилаётган ишлар, тадбирлар хилма-хил, уларнинг ҳаммасини бирма-бир санашнинг ўзи қийин. Кун тартибида турган масалалардан бири ҳамма жойларда газ ҳисоблагичларнинг ўрнатилишини таъминлашдир. Узоқ вақт олиб борилган ишлар эвазига ҳозир вилоятимиздаги барча саноат корхоналарида юз фоиз ҳисоблагичларнинг ўрнатилишига эришилди. Маиший хизмат корхоналарининг 75 фоиздан кўпроғида ҳисоблагичлар бор. Лекин хонадонларда ҳисоблагичларни ўрнатиш масаласи анча оғир кўчмоқда. Бор-йўғи 4,5 минг атрофида хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатилган, холос. Шубҳасиз, бу жуда-жуда оз. Шу ўринда бир мухтасар мисол келтирмоқчиман. Бир қишлоқда хонадонга кирдик. Газ плиткаси устида ҳеч нима йўқ. Лекин газ ёниб турибди. Газ нега ёнаяпти, деб сўрасак, кекса уй бекаси, гугурт йўқ эди, оловни шу ердан оламиз, дейди.

Шу оддий мисолдан ҳам кўриниб турибдики, газ ҳисоблагичларни ўрнатиш газни тежаб-тергаб ишлатишда беқиёс аҳамиятга эга. Шубҳасиз, тезроқ ва кўпроқ ўрнатавериш керак, деган ўринли мулоҳаза пайдо бўлади. Тўғри, лекин газ ҳисоблагичлар жуда қиммат ва уни сотиб олишига ҳар бир хонадоннинг қурби етмаётир. Бу ускуна четдан валютага олиб келинади. Агар у республикамизда ишлаб чиқарилса, бу муаммони тез ҳал этиш имконияти туғилар эди. Тўғри, бундан бир неча йил бурун газ ҳисоблагич ишлаб чиқарувчи корхонани қуриш ҳақида тадбир белгиланган эди. Лекин ҳанузгача бу корхона ишга тушгани йўқ. Мутасадди юқори ташкилотлар бу муҳим корхона қурилишини тезлатсалар айни муддао бўлур эди.

Вилоят газ бошқармаси олдида хавфсиз газ таъминотини ташкил этиш, газ қувурларини тортиш, қишлоқларни газлаштириш, аҳолига қулайликлар яратиб бериш соҳасида катта ишлар турибди. Бироқ газдан фойдаланганлик учун ҳақ тўланмаслиги туфайли қатор зарур ишлар орқага сурилиб келмоқда, режалаштирилган ишларнинг вақтида бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда. Чунончи, саноат корхоналари 6:8 миллиард сўмдан кўпроқ, маиший хизмат корхоналари 70 миллион сўмга яқин, аҳоли 90 миллион сўм атрофида қарздор бўлиб қолган. Энергетика вазирлиги корхоналаридан ТошГРЭС, Янги Ангрен ГРЭСининг ўзи 3,5 миллиард сўмга яқин қарздор. Кимё саноати корхоналаридан, Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё заводи 2 миллиард сўмдан кўпроқ пулни тўламаяптилар. «Ўзқурилиш» концернига қарашли Оҳангарон, Бекобод цемент комбинатларининг 300 миллион сўмдан кўпроқ қарзи бор.

Албатта, биз у қарз, бу қарз деб четдан шикоятвозлик билан қараб турганимиз йўқ. Қарздорликни бартараф этиш юзасидан тадбирлар тузиб амалга ошираяпмиз, ҳаракатни қилаяпмиз, Масалан, бу йил 149 та саноат корхонаси, 591 та маиший хизмат корхонаси газ тармоғини ўчириб қўйдик. Шунингдек, 1,4 мингта яқин хонадонда ҳам шундай иш қилинди. Албатта, шартта бориб ўчирилмайди. Имкониятлари ўрганилади, олдиндан огоҳлантирилади. Қарздорларни қонун-қоида асосида хўжалик судига бераяпмиз. Шунинг натижасида 1997 йил 7 миллион сўмдан ортиқроқ пул ундириб олинди.

Бошқармамиз жамоаси шулар билан бирга аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қатор ташкилий ишлар қилмоқда, қўшимча иш жойларини ҳозирламоқда. Масалан, хонадонларда ўрнатилган сув иситиш қурилмалари эски, яъни собиқ Совет Иттифоқи республикаларида тайёрланган. Уларнинг кўпига эҳтиёт қисмлар керак. Тижорат дўконларида қиммат. Янги ускуналарнинг умуман нархи осмонда. Шуни ҳисобга олиб, ташкил этиб, кичик ишлаб чиқаришни бундай эҳтиёт қисмларни тайёрлаб, шаҳар, туман бўлинмаларимизга жўнатамиз. Ҳозирда муҳандис-техник ходимларимизнинг кучи билан уй иситувчи қозон ишлаб чиқариш устида иш олиб бормоқдамиз. Аниқроқ қилиб айтганда, синов ишлари якунланаяпти. Баҳоси дўконлардагига нисбатан икки баробар арзон бўлиши кутилаяпти.

Ангренда Ўзбекистон—Украина қўшма корхонаси бунёд этилмоқда. У ерда 3,5 миллиметрлик қалин тунукадан контакт пайвандли темир қувур ишлаб чиқарилади. Собиқ СССР даврида бунда трубалар Россия ва Украинадан олиб келинарди. Келмай қолиши туфайли паст босимли шахобчаларни қуриш ишида катта тўсиқ ҳосил бўлган эди. Бу корхона бунёд этилса, у республикадаги газ тортилмаган 60—70 фоиз турар жойларни газлаштириш имконини беради. Ана шу замонавий корхонанинг уч таъсисчисидан бири «Тошвилоятгаз» бошқармасидир.

Умуман ишни замон талаблари асосида олиб бориш, мустақилликни мустаҳкамлаш даврига хос ва мос хусусиятдир. Вилоятда 2000 километр узунликда ер ости қувурлари бор. Уларнинг узоқ муддатга етиши, чиримаслиги йўлида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу ишлардан бири, чиришнинг олдини олиш учун катод ҳимоя қурилмаларини ташкил этиш бўлаяпти. Улар ҳисобига салкам 12 миллион сўм фойдага эришилди. Бошқарма бўйича автотранспорт воситаларини 96 фоиз газга ўтказиш маблағни бензинга нисбатан 2—2,5 баробар тежаш имконини бераяпти. Икки босқичли газлаштириш тизимини амалга ошириш тежамкорлик ишига катта ҳисса бўлиб қўшилаяпти. Бошқарма тизимини компьютерлаш жадал бормоқда.

Албатта бу ишларни ягона мақсад йўлида бутун куч ва ғайратини ишга солаётган жипслашган жамоамиз олиб бормоқда. Биз уларнинг меҳнатини муносиб баҳолаб, қадрлаб боришга, янги марралар сари рағбатлантиришга, илҳомлантиришга интилаяпмиз. Шу мақсадда жамоа шартномаси, шу жумладан, кишиларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари ишлаб чиқилган.

Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтмоқчиман. Шу йилнинг ўтган даври ичида ишчи-хизматчиларга уй-жой қуриш учун фоизсиз 360 минг сўм қарз берилди. Жаноза харажатларига 220 минг сўм ажратилди. Ходимларнинг саломатликларини тиклашга, уларнинг турли шифохона ва санаторийларда даволанишлари учун йўлланмаларга салкам 700 минг сўм ажратилди.

Шу йил бир гуруҳ ишчи-хизматчиларни пенсияга кузатдик Жамоа шартномасида ишчи-хизматчи пенсияга кузатилаётганда ҳар бир ишлаган йили учун энг кам миқдордаги бир ойлик маош бериш моддаси киритилган эди. Масалан, «Паркентгаз» ходими Р.Ҳожиев 34 йил узлуксиз самарали меҳнат қилибди. Жамоа шартномаси шартларига мувофиқ узоқ йил ва самарали ишлаганлиги учун 20 минг 400 сўм пул билан тақдирланди. 35 йил меҳнатда ўзини кўрсатган янгибозорлик Д.Мамраевга 21 минг сўм топширилди. Чирчиқ газ тўлдириш станциясида ҳам шундай тантана бўлиб ўтди. Жамоа Н.Примқуловнинг 25 йиллик меҳнатини муносиб баҳолади

Ишчанлик муҳити яратилган жамоамиз аъзолари бундан кейин ҳам янги меҳнат ютуқларига эришиб бораверади, деган умидимиз бор.

**Ғани ЖЎРАЕВ,**
**«Тошвилоятгаз» бошқармаси бошлиғи.**

## *ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ*

**Сирғалидаги аэропортда янги, уч ойдан бери фаолият кўрсатаётган халқ хўжалик тармоқлари учун махсус авиация ишлари авиакомпанияси штаб-квартирасида таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Бу ерга учувчилар ва техник ходимлар делегат бўлиб Самарқанд, Қарши, Термиз, Бухоро, Урганч, Қўқон, Наманган ва Нукусдан Касаба уюшма таъсис конференциясига етиб келишди.**

**Очиғи кўпчилик делегатлар кун тартиби масалаларидан бехабар эди. Уларга Авиация ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси С. Қамбаров, ўринбосари Л. Глушко, учувчилар комплекси ва авиация — техника комплекси бошлиқлари А. Брикун ва М. Бўрибоев бу масалада ёрдам бердилар.**

Авиакомпания касаба уюшмаси президиуми, раис ўринбосарлари сайланди. Сирғали АТБ бошлиғи Ш. Мингалиев эса раис бўлди.

Конференциянинг расмий қисми тугагач, авиакомпания директори Равшан Иброҳимов қатнашчилардан тушган ёзма ва оғзаки саволларга жавоб берди. У ўз сўзида бугунги шароит қийинчиликлари авиакомпанияга ҳам бегона эмаслигини таъкидлади. Шундай бўлса-да, авиакомпания ўз ходимларини ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор бераяпти.

Авиакомпанияда ҳали ишлар тўла жойида деб бўлмайди. Бироқ янги йўллар қидирилаяпти. Самарқанддан келган АН-2 экипажи бошлиғи Тоҳир Ҳамидов бу ҳақда шундай дейди:

«...ва ниҳоят муаммоларимиз билан шуғулланувчи ўз раҳбарларимизга эга бўлдик. Биз касаба уюшма фаоллари авиакомпаниямиз равнақи ва давлатимиз ривожи учун биргаликда ҳаракат қиламиз.»

**Виктор ЛУКОВ.**

Бугунги кунда Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини яхшилашга қаратилган қатор чора-тадбирлар олиб борилаяпти. Айниқса, янги иш ўринларини ташкил этиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда.

Шу жумладан, Ғаллаорол туманидаги Ёнбоштут ширкатида очилган гилам цехи ҳам мустақиллигимиз маҳсулидир. Ҳозир бу ерда кўплаб хотин-қизлар меҳнат қилишади.



СУРАТДА: илғор тўқувчи Мавлуда Маматдаминова.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

*«Ишонч» мақолалари изидан*

## «КЎЧАМИЗГА БИР КЕЛИНГ»

Газетанинг шу йил 6 майда сонидаги «Кўчамизга бир келинг» мақоласида газетхон Малик Шокиров кўчалари кўпдан буён таъмирланмаётгани, бу ҳақда Шайхонтоҳур туман ҳокимлигига бир неча бор мурожаат қилинганига қарамай ёрдам йўқлигини тилга олган эди.

**Мақола бўйича туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Розмуҳамедовдан қуйидагича жавоб олдик: «Шайхонтоҳур туман Ободонлаштириш бошқармаси мақолани жойида ўрганиб чиқди.**

«Ўзгариш» кўчаси, «Кирки» тор кўчасининг маълум бир қисми таъмирлаб берилди. Қолган қисми маблағ етишмаслиги туфайли йилнинг III чорагида таъмирлаш туман ободонлаштириш бошқармасига топширилди».

*Касаба уюшмалари ҳаёти*

## МАВСУМ МУВАФФАҚИЯТИ

Болаларни ёзги соғломлаштириш тадбирлари «Соғлом авлод учун» дастурида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси бу йилги ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта тайёргарлик кўришди. Йил бошиданоқ тармоққа қарашли шаҳардан ташқаридаги бешта оромгоҳ сифатли таъмирланди, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Айниқса, Каттақўрғон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Ибн Сино номли оромгоҳда ишлар яхши ташкил этилди. Оромгоҳ катта Нарпай канали соҳилида, ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган. Бу ерда дам олувчиларга зарур шарт-шароитлар яратилган.

— Бу йил Каттақўрғон шаҳар ҳокимияти ва халқ таълими бўлими катта ёрдам кўрсатди. Шунинг учун маблағ ҳам, жиҳозлар ҳам етарли, — дейди оромгоҳ бошлиғи Н. Стоколос, — тарбиячиларимиз тасдиқланган дастурлар асосида машғулот ўтказиб боришди. Оромгоҳимиз 210 ўринли. Ташкилотларнинг ёрдами билан 150 нафарга яқин бола бепул дам олди. Каттақўрғон тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Янгиобод» оромгоҳида ёзги мавсум ёзги мавсумда 500 нафардан зиёд бола, жумладан, 20 дан ортиқ етим болалар соғломлаштирилди. Иштиҳон тумани халқ таълими бўлимининг 125 ўринли «Қувноқ» оромгоҳида ҳам ёзги мавсумда амалга оширилган ишлар ибратлидир.

— Умуман вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги оромгоҳларининг иш фаолияти яхши бўлди, десак янглишмаймиз, — дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Самарқанд вилоят қўмитаси раиси Ҳ. Нормуродов, — мавсумда шаҳардан ташқари 5 та оромгоҳда жами 2370 бола, мактаблар қошидаги оромгоҳларда 7823 бола дам олишди. Мутасадди раҳбарларнинг бу йилги муваффақиятли якунланган мавсумда кўрсатган ғамхўрликларидан оромгоҳлар қуйинидан шодон қайтган болалар ва ота-оналар мамнун.

**Р. ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**




***Журналист Абдураим Отаметовнинг «Умидли дунё» деб номланган умумий сарлавҳа остида эълон қилинган туркум мақолаларини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Айниқса унинг «Оролнинг тузи, гарди хатолар оқибати» менда кучли таассурот қолдирди. Чунки Орол дарди менинг ҳам оғриқли дардимдир. Ўзим Орол минтақасида яшаганим учун, денгизга, атроф-муҳитга ёпирилиб келган барча фалокатлар менинг, оиламнинг бошига ҳам кулфату ташвишлар келтираётгани учун кўпдан Орол фожиаси муаммоси билан шуғулланиб келмоқдаман. Ушбу муаммо ҳақида куюниб, тўлғониб матбуот органларида кўплаб чиқишлар қилдим. Пайтдан фойдаланиб юқоридаги муаммога бағишланган ўз фикр ва таклифларимни ўртага ташламоқни мақсад қилдим.***

Бугунги кунда Орол ҳавзасида биз 1000 куб километр сувдан маҳрум бўлдик. 2000 йилга бориб эса денгизнинг умумий ҳажмидан ва сув сатхидан тахминан 10-15 фоиз қолади, холос.

Тан олиш керакки, Орол денгизи муаммосини ечишга биз энди кечикдик. Энди шуни тушунмоқ ва тан олиш керакки, бугун Оролбўйида яшовчи одамларнинг ҳаётини ва яшаш муҳитини сақлаб қолмоқ ва яхшиламоқ муаммосини ҳал этишимиз керак, чунки Амударё йил сайин саёзлашиб бораяпти, вақти-соати келиб, унинг суви денгизга етмай тўхтаб қолиши мумкин.

Иккинчи томондан, Каспий денгизида анча хавфли вазият юзага келмоқда, бу ерда кейинги йилларда денгиз сув сатҳи баландлиги қарийб 3 метрга кўтарилди ва 1000 куб километр ортиқча сув тўпланди. 2000 йилга келганда сув сатҳи баландлиги 7 метрга кўтарилиши, 2800 куб километр ортиқча сув тўпланиши кутилмоқда. Бу эса Каспий денгизи бўйидаги ҳаётга жиддий зарар келтиради ва у, бу муаммо кечиктирмай ҳал этилишини тақозо қилади.

Агар «Каспий — 94» деб ном олган Россия-Франция экспедициясининг илмий раҳбари, россиялик олим, география фанлари доктори Андрей Чапалиганинг юз бераётган ҳодисанинг изоҳига қулоқ соладиган бўлсак, сув сатҳининг кўтарилиши бундан кейин ҳам давом этаверар экан. Оллоҳ таолонинг қудрати-ю, табиатнинг мўъжизасини қаранг: бир томонда — Каспий денгизи ҳавзасида йилдан йилга сув ҳажми кўпайиб бормоқда, иккинчи томонда эса, ўша денгизга қўшни бошқа бир ҳудудда Орол денгизида сув ҳажми шафқатсиз равишда камая бориб, нафақат Марказий Осиёга, балки Туркистон ўлкасига, бора-бора бутун жаҳонга фожиа келтириш хавфини реал қилиб қўйди.

Хўш, шундай вазиятда нима қилмоқ керак? Бугунги кунда Оробўйининг муаммоси билан Каспий денгизининг тошиб кетиш хавфи муаммосини алоҳида-алоҳида эмас, балки биргаликда, ўзаро боғланган ҳолда ҳал этмоқ зарур.

Туркистон ўлкасида тобора кучайиб бораётган сув танқислигини ички ресурслар, яъни суғориш технологиясини такомиллаштириш, шунингдек, ерости сувлари ҳисобига ҳал этиб бўлмайди. Бу муҳим муаммони, шунингдек, Турғай варианти бўйича Сибирнинг Обь ва Иртиш дарёлари сувининг бир қисмини Орол денгизи томон оқизиш орқали ечиш ҳам мушкул иш. Бу лойиҳа жамият манфаатларига зид бўлибгина қолмай, шу билан бирга маълум даражада экологик ва ижтимоий-иқтисодий қўпорувчилик ҳам эди.

Биз мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Туркистон халқлари аслида бир ота-онанинг фарзандлари эканлиги улар бирлашишлари лозимлиги, «Туркистон — умумий уйимиз» бўлиши кераклиги тўғрисидаги башоратли гапларини ва бу йўлдаги саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Туркистон халқлари бирлашсалар, Марказий Осиёга тааллуқли ўткир муаммолардан бири — йил сайин кучайиб бораётган сув танқислигини ҳал этиш ҳам бироз енгиллашган буларди, деб ўйлайман.

Мазкур муаммони ечишда биз Шимолий-Каспий минтақага, Волга дарёсининг суғоришга яроқли чучук сувига эътиборимизни қаратишимиз керак. Биз анча вақтдан буён Каспий бўйи давлатларининг олимлари, хўжалик юритувчи арбоблари билан бу денгиз суви сатҳини минус 35 метрлик белгида сақлаб туриш ҳамма учун фойдали эканлиги ҳақида музокаралар олиб бормоқдамиз. Бу Каспий ҳавзасидан бугунги кунда тахминан 4000 куб километр сув олиш имконини беради.

Айни бир вақтда Каспийдан тортиб олинган сув ўрнини тўлдириш учун Эрондан ўтадиган канал орқали Форс кўрфазидан сув олишни режалаштираяпмиз. Бу канал келажакда Туркистон халқининг ҳинд океанига чиқадиган, кемалар қатнайдиган ягона сув йўли бўлади. «Орол-Каспий» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг дастури мен томонимдан 1975 йилдаёқ узил-кесил ишлаб чиқилган ва турли нашрларда эълон қилинган эди. Аммо, афсуски, айрим мутахассис «олим»лар ва тармоқ раҳбарлари (айниқса Ўзбекистонда яшаб ишлаётганлар) айби билан бу дастурнинг аҳамияти тўла-тўкис тушуниб етилмади

Менинг «Орол-Каспий» дастуримда илгари сурилган ғоя таклифлар асосан қуйидагилардан иборат:

Кўз олдингизга Қозоғистоннинг Каспий денгизи бўйи атрофидаги харитасини келтиринг. «Комсомолец» кўрфази этагидаги Сўрқорагуя деб аталган манзилдан канал қазиш йўли билан Бўзачи ярим ороли жанубидаги Манғишлоқ кўрфазини бирлаштириш керак. Канал — бўғознинг узунлиги 15 км. Дамба Бўзачи ярим оролини Тюлень ороли билан бирлаштиради. Дамбанинг узунлиги 50 км, сувнинг чуқурлиги 2—3 м. Бу ишлар Волга дарёси суви учун янги оқим яратиш ва сув сатҳини яхшилаш учун керак бўлади. Астраханда Волга сувининг 1 литрида 0,4—0,5 г аралашма бор... Сой-Утес деган жойдаги сувнинг сифати ҳам уч-тўрт ойдан сўнг худди шундай бўлади, чунки шимоли-шарқий Каспийнинг чуқурлиги 3—4 метрни ташкил этади. Шундай қилиб, биз Шимолий Каспийнинг суғоришга яроқли чучук сувини жанубий Каспийнинг анча шўр сувидан ажратиб бўламиз.

«Комсомолец» кўрфази этагида 8—9 сонли темир йўл разъездига яқин жойда насос станциясини қуриш керак. У 180 метр баландликка ҳар секундига 4000 куб км сув чиқариб беришга қодир бўлади. Бу — йилига 100 куб километр сув демакдир. Унинг узунлиги тахминан 540 км, эни 375 м, чуқурлиги 16,5 м бўлиб, то жануби-шарқий Чингта қадар (Қодир деган жойда) давом этади. Сувнинг тезлиги секундига 0,7—0,8 метр бўлади. Чингдан то Тахиатошгача Пограничный коллектори ёқалаб 110 км узунликда яна канал қазилади. Бунда жуда катта ҳажмдаги тупроқ ишларини бажаришга тўғри келади. Канал тушадиган йўлнинг айрим қисмларини 25-30 метр баланд кўтариш ва каналнинг ўша бўлагида йилига камида 100 куб километр сув ўтказиши керак бўлади.

Сўнгра Тахиатошнинг юқори томонида, Қорабоғнинг ғарбида Назархон деган жойда йилига 50 метр баландликка 40—50 куб километр сув чиқариб бера оладиган насос станцияси қурилади. Мазкур канал Султонувайсдоғни шимолидан айланиб ўтиб, Навоий вилоятидаги Қизилқудуқ сари ва Мўлали чуқурлиги орқали Туркистон шаҳри томон оқади. Каспий — Тахиатош Қизилқудуқ — Мўлали — Сирдарё йўналишидаги канал Бош Туркистон канали деб номланадиган бўлади. Мазкур канал Қозоғистоннинг Манғишлоқ, Чимкент, Қизил Урда вилоятларини, Ўзбекистоннинг Навоий, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон ерларини суғоради. Бу ерларнинг умумий майдони тахминан 7-8 миллион гектарни ташкил этади.

Шундан кейин Тахиатош сув омборининг юқори сатҳининг 78 метрлик белгисидан ўзиоқар канал — «Қозоқ тармоғи» ўз оқимини бошлайди. У Казалинск манзилгоҳидан то Аральск шаҳрига қадар 600 километр узунликда давом этади. Мазкур канал бошланишининг ўзида 20—30 куб километр сув олиб, Оролбўйидаги ўз йўналишидаги 1-2 миллион гектар ерни суғоради. Айни пайтда бу канал Оқмўладан то Тахиатошга қадар кема қатнайдиган сув йўли бўлади. Ундан кейин Тахиатошдан 78 метрли белгидан жануб томон ўзи оқар канал «Туркман тармоғи» бошланиб Газанжикдан ўтиб қорақум канали билан қўшилади. Оралиғи тахминан 650—700 километр бўлиб, ҳар соатда 50 куб километргача сув ўтказади. Канал суви Туркманистон заминигача бориб етади. ер рельефи бунга имкон беради.

Бу муаммонинг ҳал этилишидан Орол-Каспий минтақасида жойлашган барча 8 та давлат манфаатдордир. Молиявий ҳаражат, албатта, ўзаро келишиб олинади.

Нега бу муаммо ҳанузга қадар ҳал этилмай келмоқда? Пул маблағлари ёки қурилиш техникаси, иш кўзини биладиган қурувчилар ёки ишчи кучи йўқлигидан муаммонинг ечими тўхтаб қолгани йўқ. Бунинг бошқа сабаблари бор.

Орол муаммосининг вужудга келганига ўттиз йилча бўлди, айниқса кейинги 15 йил ичида у жуда ўткирлашиб кетди. Бу муаммога бағишланиб кўпдан-кўп мажлислар, кенгашлар ўтказилмоқда, турли-туман қарорлар қабул қилинди, лекин, афсуски, уларнинг кўпчилиги ижро этилмай қоғозда қолиб кетмоқда.

1992 йил 29—30 сентябрда Токио шаҳрида «Оролбўйида атроф-муҳитни бошқариш» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Уни Япониянинг Глобал (умумбашарий) инфратузулма фонди (ГИФ) уюштирганди. Бу фонд ноҳукумат ташкилот бўлиб, ўз сафига йирик хусусий капитал эгаларини бирлаштирган. Япония давлати симпозиумга Туркманистон, Қорақалпоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Россия Федерациясидан вазирликлар ва Идоралар раҳбарлари, йирик олимларни таклиф этди.

Лекин таклиф қилинганлар нутқларида муаммони ҳал қилишга қаратилган конкрет таклифлар бўлмади. ГИФ тадқиқот марказининг вакили Саба Сейт: «Агар Оролнинг экологик фалокатидан азият чекаётган давлатлар Оролни қутқариб қолишнинг ягона бош режасини ишлаб чиқишга муваффақ бўлганларида эди, биз уларга хорижий ёрдамни олишларига ёрдам берган бўлур эдик, — деб қайд қилди.

Таассуфки, Оролбўйи давлатларида денгизни қутқариш бўйича ҳануз қўшма ягона бош режа йўқ.

Оролбўйини қутқариш ва унинг атрофидаги давлатларни, бутун Туркистонни сув билан таъминлаш, озиқ-овқат дастурини бажариш, суғориладиган ерлар майдонини кўпайтириш, минг-минглаб кишиларни иш билан таъминлаш ва ҳаётнинг бошқа масалаларини ҳал қилиш режасини биз «Орол -Каспий» илмий ишлаб чиқариш корхонаси тузиб чиққанмиз. Бу режа Орол денгизини қутқариш билан бирга Каспий денгизини муқимлаштиришга ҳам хизмат қилади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов юқори мартабали минбарлардан туриб — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сессияси ва Европа ҳамжамиятининг Лиссабонда ўтган кенгаши орқали жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Орол муаммосини ҳал этишда Марказий Осиё давлатларига ёрдам беришга чақирди.

Аммо, афсуски, республиканинг тармоқ раҳбарлари билан олимларида Орол масаласида ҳанузга қадар ҳамфикрлилик етишмаётир. «Орол-Каспий» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси дастури ва юқоридаги ғоя-таклифлар муаллифи Озод Ҳусаиновнинг қарашлари, фикрлари эса биринчи бўлиб Туркманистон томонидан қўллаб-қувватланди (1995 йил, 9 декабрь ойида) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (1996 йил, май ойи), Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси (1996 йил, июль ойи), Россия Федерацияси Давлат сув қўмитаси раиси профессор Н. Н. Михеев қўллаб-қувватламоқда.

**Озод ҲУСАИНОВ,**
**«Орол-Каспий» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси бош директори.**

*Акс — садо*




**Катта туркистон канали лойиҳаси**

